



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ


2002 йил 13 август, сешанба № 129 (1346)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЧОРВОҚДА ЯНГИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ худудиди барпо этилаётган дам олиш мажмуида қурилиш ишлари авжида. Юртимизнинг энг хушманзара ва сўлим гўшаларидан бирида ҳаҳон андозалари талаблари даражасида барпо этилаётган ушбу оромгоҳ қурилишида икки мингдан зиёд бунёдкор меҳнат қилмоқда. Қурилишга Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош буюртмачи, пойтахтимиздаги 12-қурилиш трестининг 2-механизациялашган кўча колоннаси бош пудратчи ҳисобланади. Унда юртимизнинг кўплаб қурилиш ташкилотлари билан бирга Туркиянинг «Апеас» фирмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу ерда болалар ва катталар учун алоҳида сузиш ҳавзалари, ресторан, қаҳвахоналар ва бошқа маданий-маиший иншоотлар ҳам қад ростламоқда. Айни вақтда мажмуада кенг кўламда ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Мажмуанинг биринчи навбати мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

(ЎЗА).



МАҲСУЛОТГА ХОРИЖДАН БУЮРТМА КУПАЙМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий давлатлар билан биргаликда қурилган қўшма корхоналар вужудга келди. 1999 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Кабул-Ўзбек КО» қўшма корхонаси ана шулардан би-

ридир. Бу ерда эришилаётган ютуқларда бутун жамоанинг муносиб ҳиссаси бор.

Ушбу фабрикада калава ип, хомсурп каби матолар ишлаб чиқарилади. Уларнинг сифати яхши бўлганлиги боис, чет элларда

харидорлари тобора кўпайиб бормоқда. Улар орасида АҚШ, Белгия, Дания, Корея, Япония, Олмон каби йирик мамлакатлар бор.

«Кабул-Ўзбек КО»да меҳнат қилаётганлар 3 сменада иш билан банд

бўладилар. Ишга келиб кетиш, меҳнат қилиш, маданий, маиший шароитлар ҳаммага маъқул. Ишчиларга яратилган қулайликлардан бири шуки, фабрикада тиббий муолажа хоналарида ишчиларнинг саломатлигини муҳофаза

қилиш чора-тадбирлари намунали йўлга қўйилган. Меҳнаткашларни сиҳатгоҳларда имтиёзли дам олдириш, таътил муддатларини мазмунли ўтказишда корхона касабаси уюшма кўмитаси алоҳида ўрин тавал-

луд кунлари, маданий тадбирлар ўтказишда касабаси уюшма кўмитаси ҳамма бош-қош бўлмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Андижон вилояти хотин-қизлар кўмитаси, «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши ва «Дилдора» ўқув маркази ташаббуси билан Андижондаги тантаналар саройида катта авлод вақилири учун байрам ўтказилди.

ФАХРИЙЛАРГА АТАЛГАН БАЙРАМ

Бу кечага соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва спорт соҳасининг юздан ортиқ фахрийлари тақдир этилди. Байрам дастурхони атрофида улар бир-бирлари билан суҳбатлашиб, хотирларини ёдга олиш имкониятига эга бўлишди. Катта ҳаётий тажрибага эга оқсоқоллар бешларга маслаҳатлар берди.

«Дилдора» ўқув марказининг бир гуруҳ битирувчиларига сертификатларни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Йилгиланлар эътиборига «Ўзбекнаво» гастрол-концерт билан ҳаммасининг вилоят бўлими санъаткорлари ижросидаги концерт дастури ҳавола этилди.

(ЎЗА).

Юртимизнинг жаннатмакон гўшалари

«ЧОРТОҚ» ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Чортоқ» сиҳатгоҳи Чотқол тоғининг жанубий этакларида, денгиз сатҳидан 623 метр баландликдаги Чортоқсой воҳасида жойлашган. У Ўзбекистоннинг жаннатмакон гўшаларидан бири. Бу ернинг ҳавоси мусаллаҳ, нафас олиш энгил, икклими мўътадил, сувни, лаззатли ноз-неъматлари танга малҳамдир. Шу боис мазкур шифобахш маскан доимо дам олувчилар билан гавжум.

Сиҳатгоҳ 400 ўринга мўлжалланган бўлиб, 47 гектар худудга эга. Бу ерда 23 нафар олий маълумотли шифокор, 60 нафар ҳамшира, 100 нафардан зиёд кичик тиббий ходимлар мижозларга малакали хизмат кўрсатмоқда. Мазкур маскан кўп тармоқли бўлиб, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб, ошқозон-ичак, жигар, тери, гинекологик, юрак ва қон томири оғриган беморлар даволанишида.

Шифобахш масканининг энг муҳим даволувчи омилларидан бири йод-бромли, хлорид-натрийли, кальцийли, магнийли, бошқа минералларга бой шифобахш сув бўлиб, у 1248-1650 метр чуқурликдаги тўртта кудуқдан юқори босим билан отилиб чиқади.

Маъданли сувни икки-уч кун сурункали қабул қилган киши ўзини энгил ҳис этади. У миёда қон айланишини, модда алмасув жараёнини кучайтиради, оғриқни қолдириб, асаб тизимини тинчлантиради, шамоллашга қарши курашади.

Сиҳатгоҳда 15 та ваннахона, айланма душ, сув ости массажи, ичак, ошқозон ва ўт пуфagini ювиш хоналари, балчик, шам билан даволайдиган бўлиммалар мавжуд. Бундан ташқари, электр нури билан даволайдиган икки қаватли бино замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Чортоқ сувининг таркибида йод борлиги бўқоқни ҳам даволаш имконини беради. Хозирги кунда бу ерда 25 ўринли эндокринология бўлими ташкил

этилиб, қандли диабет, бўқоқ касали билан оғриган беморлар ҳам даволанмоқдалар.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан сиҳатгоҳга ташриф буюрган нуротий отахону онахонлар учун алоҳида 45 ўринли бино ажратилган. У ерда дам олиш хонаси, кутубхона фаолият кўрсатмоқда. 50 ўринли оналар ва болалар биносида эса болалар хонаси ташкил этилган.

Бу ерда ишлаётган шифокорларнинг кўпчилиги олий тоифали, курортлогига соҳасини яхши биладиган тажрибали мутахассислардир. Ана шундай ҳақиқатдан Илҳомжон Каримжонов, Баҳромжон Вафоқулов, Мамасоли Қўчқоров, Салтанат Товбаева, Дилором Маматвалиева, Мавжуда Абдурашидова, Дилбархон Рўзमतова ва ўз касбининг фидойиси сифатида даволанувчилар хурматини қозонишган.

Тақлиф ва мулоқазалар дафтари вақари эканлигини эътиборга олиб, 2002 йилнинг биринчи ярми йиллигида 2905 нафар одам дам олиб, даволанди. Алломалар инсон бахтининг ўндан тўққиз қисми унинг соғлиги билан боғлиқ деганлар. Зеро, соғлиқ қийматини ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам мазкур шифобахш масканида даволанувчилар билан самимий, қадрдонлардек хушмуомала, ширинсуханлик билан мулоқотда бўлиш оддий ҳамшираларнинг шифокорларнинг асосий широгига айланган.



филон шаҳарларига, зиёратгоҳ масканларига саёхатлар уюштирилади. Дам олувчиларнинг истакларига биноан таниқли санъаткорларнинг томошалари ташкил қилиниб, кинофильмлар намойиш этилади. Сиҳатгоҳ худудида почта, телефон, телеграф, чойхоналар, сартарошхона, савдо расталари даволанувчилар хизматида.

— Сиҳатгоҳ иш фаолиятини янада яхшилаш, янги даво усулларини ишга чиқариш, уни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши яқиндан ёрдам кўрсатмоқда, - дейди бош шифокор Юсуфжон Аминов. - Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда ўтган йили 5200 нафар ортиқ киши қадам ранжида қилган бўлса, 2002 йилнинг биринчи ярми йиллигида 2905 нафар одам дам олиб, даволанди. Алломалар инсон бахтининг ўндан тўққиз қисми унинг соғлиги билан боғлиқ деганлар. Зеро, соғлиқ қийматини ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам мазкур шифобахш масканида даволанувчилар билан самимий, қадрдонлардек хушмуомала, ширинсуханлик билан мулоқотда бўлиш оддий ҳамшираларнинг шифокорларнинг асосий широгига айланган.

Эркин ТўЛАГАНОВ, меҳнат фахрийси.

Қуни кеча Ўзбекистондаги ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаган Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним хайрлашув олдидан оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда бир гапни айтди: Япония ўзининг қайта тикланишини таълимга жиддий эътибор беришдан бошлаган эди. Ўзбекистон ҳам истиклолга эришгандан сўнг илк қадамларини ана шу масала ечинини излашдан бошлаганлиги гоят диққатга сазовордир. Бинобарин, юртимизнинг кунчиқар мамлақати каби тараққий топишига шубҳа йўқ.

Бу шунчаки лутф эмас, билан, вазифаси нуқтаи назаридан ҳар бир сўзи учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга ўрганиб қолган кишининг самимий эътирофи. Айнан шунинг учун ҳам бу сўзлар биз учун гоятда қадрли. Гарчанд бўндай эътирофларни эшитишга бир мунча ўрганиб қолган эсак-да, тан олиш керак, у кўнгилга таскин беради, бораётган манзилимиз чиндан-да ёруғ эканлигига бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Албатта, ҳеч бир нарсаси осонлик билан эришилмайди. Ҳар йўлни ўзига яраша оғир ва машаққатли мулоҳизалари, ўқир-чўқирлари бўлади. Қолаверса, қор-ёмғир дегандек, ҳар асно оғоҳликка чорлайдики, хотиржамликка берилиш ёхуд озгина лоқайдлик қимматга тушиши мумкин. Жамият тараққиётининг биланчи шартларидан бўлмиш таълим соҳасига худди тўнғич болага қарагандек муносабатда бўлиниши, айни вақтда унга фарзандларнинг каттаси сифатида бошқаларга нисбатан кўпроқ масъулият юкланиши ҳам шу важдандир.

Биз газетамизнинг 16 июл сониди ушбу долзарб масаласи бўлган хурмат-эҳтиромимизнинг ифодаси сифатида алоҳида сарҳифа бағишлаганимиз, ютуқларни эътироф этган ҳолда ечимини кутаётган камчилик-нуқсонлар ҳақида баҳоли-қудрат сўз юритганимиз ҳам бежиз эмас. У айни ёзги таътил кунларига тўғри келгани учун ҳам, табиийки, мақолаларнинг аксариятида таълим муассасаларининг янги ўқув йилига тайёргарлиги қандай қетаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Яқинда ўша туркум мақолалар юзасидан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси раҳбарлари имзоси билан тахририятимиз жавоб хати олди. Унда айтилишича, мақолалар Халқ таълими вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида вақир ҳузуридаги йиғилишда ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг

Эътироф ва эътироз

мактабга келиб кетиши шунчаки бекорчиликдан эмасдир?! Махжубият ва виждон амри туфайли эмасми булар...

Танқид ҳеч қачон энгил ҳазм бўлмайди. Лекин даво учун баъзида нималар қилмаймиз; дорининг ширинидан кўра аччиғи

тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш, жойларда санаторий-профилакторий ва дам олиш оромгоҳларига йўлланмаларнинг адолатли тақсимланишига эришиш, тақсимотни доимий назоратга олиш, худудий тармоқ кели-

ВАКОЛАТ БЕРИЛМАГАН ЭМИШ...

Раёсат йиғилишида атрофлича ўрганиб чиқилган, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорликдаги аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Лекин, очиги, жавоб хатининг давоми бизни анчайин ўйлантирди. У шундай жумлалар билан давом эттирилади: «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат доирасига ўз худудларидаги таълим муассасаларини молиялаш миқдорларини белгилаш ваколати берилган. Шунга мувофиқ, таълим муассасаларини ташкил этиш, қуриш, жиҳозлаш, таъмирлаш вазифалари бевосита ҳокимликлар зиммасидадир. Ушбу мақсадлар учун вазирликка маблағ ажратилмаган, тармоқ касабаси уюшмасига ҳам ҳеч қандай ваколат берилмаган...»

Албатта, ҳар ким, у хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, ўз ваколати доирасида ҳар қандай қилиш керак. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, юқорида қайд этилган жумлаларни тушуниш мумкин. Лекин ўртага ташланган масалаларнинг муҳимлигини чуқур таҳлил қилиб, шундан келиб чиққан ҳолда ёндашилсачи? Мақтабда кимлар тахсил олади — ўқувчилар, сизу бизнинг фарзандларимиз. Кимлар дарс беради — ўқитувчилар, сизу бизнинг устозларимиз. Модомики, шундай экан, мактабларнинг ҳолати, уларнинг таъминланганлиги-ю, янги ўқув йилига қай даражада тайёргарлик қилинишига қизиқиш учун ваколат зарурмикин? Таълим ўқувчиларидаги умумий аҳвол учун охир-оқибатда вазирлик ва унинг жойлардаги бўлиммалари жавобгар эмасми? Томидан чакка ўтиб турган, дераза ойналар синик, поллари чириб ётган синфхоналарда ўқишу таълим беришни бир кўз ўнгимизга келтирайлик-а! Муаллимлар таътиллари билан бир қисмидан воз кечиб, ёзнинг ўртасида ҳам

кўпроқ эканлигини инкор этмай-миз-ку ахир!

Дарвоқе, «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасида шундай банд бор: «Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради». Буни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўз касбининг фидойилари етакчилик қилаётган мактаблар ўқувчилар учун том маънода иккинчи ўйга айланаётди, боз устига, илм масканларининг гуллаб-яшнашини ўйлаб турли жамғармалар ташкил этилаётди, ҳатто баъзи мактаблар ҳозирданок миллионерлик мақомига эришганлиги ҳар қанча мақтовга лойиқ. Лекин олма пиш, озгимга туш, қабилида иш тутилаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Биз ўз мақолаларимизда айнан уларни танқид остига олган, чиқишларимиз ў ёки бу даражада соҳа мутаассадиларининг гоят маъсуляти юмушларида яқиндан кўмаклашади, деган умидда эдик. Зеро, биз «кўтарган масала»лар янгилик эмас. Улар аввал ҳам бор эди, афсуски, ҳозир ҳам учраб турибди. Мавжуд камчилик-нуқсонлардан қанчалик тезроқ халос бўлиш, эзгу мақсад — таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали умумтаракқиётнинг юксак чўққиларини забт этиш томон ташлаётган қадамларимиз шунчалар залворлироқ бўлишини эса, ўйлаймизки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Вазирлик ҳамда тармоқ касабаси уюшма Марказий кўмитасининг жавоб хатига илова қилинган, «Ишонч» газетасининг 2002 йил 16, 19 июл сонларида чоп этилган туркум мақолаларда қайд этилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирларда айнан ана шу эътирофни кўрашим.

Ушбу чора-тадбирлар сирасида, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар

«ИШОНЧ» газетаси тахририяти.

Бор бўл, оқибат!

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003-йилларга мўлжалланган давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори одамлар моддий фаровонлигини ошириш, кекса аялдорларнинг химоя қилиш, ёш аялдорнинг баркамол бўлиб вояга етишида беҳиёс рол ўйнамоқда.

сўм мукофот пули берилди. «Бухорои Шариф» футбол клубига 2 миллион 780 минг сўмлик кийим-кечаклар, кўзи ожизлар жамиятига 277 717 сўм, кўзи ожиз болалар мактабига 50 000 сўм маблаг берил-

МУРУВВАТЛИ ЭЛДА ҲУРМАТЛИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоронинг шоҳ кўчаларидан бирида қарийб 3 километр масофага қўзилган, анвойи гуллар яшнаб, турфа хил дарахтлар кулф урган хиёбонни кўрган кишининг баҳри дили очилади. Дунёнинг кўп минтақаларидан келтирилган 18 минг 700 туп гуллар, 2 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар... Ҳар бир дарахт ва гул ишчиларга номма-ном бириктирилган, экинларнинг суғорилиши, парваришлари қатъий назоратда. Бундан ташқари Бухоро - Когон автойўли атрофида жойлашган «Фатҳобод» ва «Етти пирлар» бог мажмуаси кўкаламзорлаштирилиб, фавворалар ўрнатилган.

миллий «Кураш» Федерациясининг Бухоро бўлимига 3 миллион 570 минг сўмлик спорт моллари сотиб олиш ва 1 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Теннис Федерациясига 200 000 сўм маблаг ўтказиб берилди. Чернобилчиларга 100 000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Вилоят касаба уюшмалари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларини соғломлаштиришга 1,5 миллион сўм маблаг сарфланди.

ди. «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 735 минг сўмга 2 та музлатгич ва чойшаблар ҳада этилди. Фурқат Ибрагимовга Бухоро Технология институтида ўқиши учун контракт шартномасига 396 500 сўм ўтказилди. «Варахша», «Баҳорзий», «Газли» маҳаллалари 641 300 сўмлик сановат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Инсондан қилган яхши ишлари қолади, дейдилар. «Бухорои гушт сўт савдо» хиссадорлик жамияти раиси Махмуд Холлов ва касабаси Саъдулла Жумаевнинг ҳиммати билан ҳаммага ибрат бўлар хайрия ишлари амалга ошириляпти.

Хиссадорлик жамияти ҳисобидан ҳар йили 2 киши турар-жой билан таъминланмоқда. Электр пайвандчи Шаҳоб Тиловов, компрессор машинисти Ақром Ашуров, хизматчи Г.Мартинова, Н.Фрудова ана шундай мурувватга сазовор бўлиб, янги уйга кўчиб кирдилар. Шаҳар мактабларининг ўқувчилари 352 300 сўмлик дарсликлар ва кийим-кечаклар олдилар.

Ишчи Нигора Муҳамедовага ўғлини операция қилиш, Шавкат Муҳаммедовга чет давлатда ўқиш, Бекзод Исмоиловага мамлакатимиз олий ўқув юртида таълим олиш учун етарли миқдорда маблаг ажратилди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Бухороликлар жамоанинг Файзулла Ҳужаев туманида яшовчи болаликдан ногирон Сулаймон Эргашевнинг юрагини операция қилиши учун 1 миллион сўм маблаг ажратганини эшитиб, меҳру мурувватга, одамгарчилигига таҳсинлар айтдилар. Ёнгин оқибатида жиддий зарар кўрган Даврон Давлатовга 150 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган ногирон Хайрулла Исмоиловага 110 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Республика

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида ходимларга 519 540 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 10 миллион сўмлик мукофот пули берилди. Электр пайвандчи Руфат Бакировнинг даволашига 32 900 сўм, боғбон Раҳим Ғуломовга 27 300 сўм, электрқара ҳайдовчиси Дониёр Собировга 22 500 сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий-иқтисодий аҳвол яхшиланаётганлиги туфайли ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 41 100 сўмга етди, ёки ўтган йилгига нисбатан 20 фоизга кўтарилди. Жамият ихтиёрида замонавий ошхона ишлаб турибди. Ходимларга текин тушлик тарқатилади.

«Универсиада - 2002» спорт ўйинлари иншоотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, спорт формалари сотиб олиш учун 210 миллион 800 минг сўм маблаг ажратилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан нафақага кузатилган Т.Х.Афизов, А.Мартинова, Р.Терентева, К.Низомов каби 19 кишига 383 020

— Жамоамизда ишлайётган ҳар бир киши гаҳмўрлик билан қуршаб олинган, - дейди хиссадорлик жамияти раиси Махмуд Холлов. — Ўзимизнинг ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларни қўллаб-қувватлаш билан бирга вилоятимизда яшаётган ногиронлар, қариялар ва кам таъминланган оилаларга ҳам моддий-маънавий ёрдам кўрсатамиз.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ШАХРИСАБЗНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН РАВОН ЙЎЛМАР БИЗГА ЯРАШАДИ

Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кўрсатиб ўтилган бандлар пешма-пеш ўз инъикосини топмоқда.



Меҳмон аввало остонани ҳатлаб ўтади, сўнг ён-атрофига назар ташлайди. Зеро, илк таассуротга кўп нарса боғлиқ. Қадим шаҳри Кешининг бугунги қиёфаси эса тобора дилбар тусга кирмоқда. Кўча ва хиёбонларни айтмай-сизми! Кўзингиз беихтиёр қувончдан равшан тортади. Шаҳар манзаралари акс эттирилган плакатлар тарихдан сўз очади, ёрқин истиқбол сари чорлайди.

Туман автомобил йўллари бошқармаси билан ҳамкорликда ободлаштириш бошқармаси ахил жамоаси таъмирланиши лозим бўлган 23 километрлик йўлнинг асосий қисмига қайтадан асфальт ётқизилди. Бу ишда «Қашқарэса тобора дилбар тусга кирмоқда. Кўча ва хиёбонларни айтмай-сизми! Кўзингиз беихтиёр қувончдан равшан тортади. Шаҳар манзаралари акс эттирилган плакатлар тарихдан сўз очади, ёрқин истиқбол сари чорлайди.

Баҳодир номли кўчалари таъмирдан сўнг кенгайиб кетгандай бўлди. Шахрисабз шаҳрининг янги халқа йўлига чиқиш учун қуриляётган Саъдий кўчасида тупроқ ишлари амалга оширилмоқда. Ҳамза, Собир Раҳимов, Файзулла Ҳужаев номли кўчалар илгаридан-да фойдаланиш бошқармаси бошлиги Аҳадилло Оstonов.- Жами 900 миллион сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилади. Мақсадимиз, шаҳримизга келган меҳмонлар нафақат тарихимиздан гувохлик бериб турган обидаларимизни муносиб баҳолашлар, бугунимиз ва эртаимиз

ҳақида ҳам ўз юртошларига ҳавасланиб сўзлаб берсинлар. Йўллар эса бизнинг ташриф қоғозимиз бўлиши мумкин ва лозим.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратларда: йўл қурилишидан лавҳалар.



МАКТАБ БОЗОРЛАРИДА

Бухорода августнинг бошидан оқибат мактаб бозорлари фаолият кўрсата бошлагани.

Айниқса, Ёпиқ бозор ҳудудига фаолият кўрсатаётган мактаб бозори доимо харидорлар билан гавжум. Бу ерда ўқувчилар учун зарур бўлган барча маҳсулотларни топиш мумкин. Шунингдек, бозорда кийим-бош, пойфазал савдоси ҳам йўлга қўйилган. Албатта, бунда ўқувчиларнинг талаблари инобатга олинди. «Бухоросавдо» савдо-ишлаб чиқарувчи акциядорлик компаниясидан «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилишларича жорий йилда олий ўқув юртилари талабалари, лицей-коллежлар ва мактаб ўқувчиларининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, бозорга улар учун зарур бўлган барча маҳсулотлар чиқарилади. Тузилган режага кўра аҳоли гавжум ҳудудларда ўн та шундай бозорлар ташкил этилди.

Мустақил Ўзбекистонимизда оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қарор ва шартно бироқ етиш йўлида ибратли ишлар қилинди. Бироқ ҳали амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, олдимизда турган долзарб вазифалар ғоятда кўп. Вазифа эндиликда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемиз жўшқин ҳаётимиздаги ўзгаришлар, кўлга киритилган ютуқларимиз билан бир қаторда одам-

Журналист нуқтаи назари

ларга етиб бориш учун нима қилиш керак, деган савол атрофида қизгин баҳс-мунозара борди. Тажрибалир ўртоқлашди, ўзининг забардаст мақолалари билан мактаб яратган марҳум журналистлар Анорбой Қуронбоев, Рустам Раҳимов, Карим Аҳмадий каби ташаббускор, жасур, ташкилотчи ижодкорларнинг ибратли жиҳатлари бир-бир эса олиб ўтилди. Айни пайтда адолат ва

носабат муҳитини ўрнатибди. Бош хисобчи О. Ҳўжамбердиева қатъий оҳангда деди: — Бошлигимиз менинг руҳсатимсиз ҳеч кимга, ҳеч қандай ахборот берилмасин, деганлар. Узр, уларни қуттишга тўри келади. Бироқ Араббой ака билан юзма-юз бўлишнинг имконияти бўлмади. У қайсидир йўғилишга кетган экан... Ҳўжабод туманида иқтисо-

ЭСКИЧА ФИКРЛАШ ТАЪСИРИДА...

ларда норозилик уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам очик-ойдин ҳикоя қилмоғи даркор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига уларнинг касб байрамлари муносабати билан йўллаган табрикномасида алоҳида уқтирилганидек, ... ҳама нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Андижон вилоят ҳокимлиги ҳам оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, ижодкорларга кенг имкониятлар яратиш юзасидан хайрли тadbирларга қўл урмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда ўнга яқин республика газеталари мухбирлари ҳамда туман, шаҳар газеталари ижодкорлари фаолият юритмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан «Олтин водий» деб номланган масканда ўтказилган ижодкорлар йиғилиши барчанинг ёдида қолди. Журналистлар, матбаачилар жамулам бўлиб, олдиларида турган муҳим масалалар, ечимини кутаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида батафсил фикрлашди. Айниқса, жамиятимизда ҳаётга сўз эркинлиги тамойилини тўла тadbик этиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андоза-

дий ислохотлар қандай кечмоқда? Шу мавзуда мақола тайёрлаш орузида дастлаб туман ҳокимлигида бўлиб мақсадни айтдик. Бироқ ҳоким ўринбосари В.Нишонов «Ишонч» тахририятининг йўлланмаси бор-йўғлигини сўрашга тушди. Биз ҳужжати-мизни кўрсатиб, республика газетасининг Андижон вилояти бўйича мухбири эканлигимизни айтдик. Охир-оқибат суҳбатдошимиз бизга ёрдам берганидек, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, огир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиқлик муҳити ҳукмрон бўлади. Юқоридики каби ҳолатлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, яқка мафкура ҳукм сурган мустабид тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб кетган асоратидан, демакки эскича фикрлаш таъсиридан кимлардир ханузгача халос бўла олмаган. Унутмайликки, одамлар холис маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам наф қурлади. Энг муҳими, шундай сиёсат юритилганда ҳеч қандай пинҳона хатти-ҳаракатлар, пайнда гап-сўзларга ўрин қолмайди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ЖИЗЗАХДА ОТЧОПАР ҚУРИЛМОҚДА

Жиззах туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги ҳудудига отчопар қурилмоқда. 80 гектар майдонни эгаллаган бу улкан иншоотнинг 22 гектари от спорти ўйинлари, машғулотлар майдонини ташкил этади. Томошабинлар учун 5 минг ўринли жой тайёрланмоқда.

ЖИЗЗАХДА ОТЧОПАР ҚУРИЛМОҚДА

— Отчопар қурилишига вилоятдаги ўндан зиёд қурилиш ташкилотлари жалб қилинган, - дейди «Жиззах отчопари» акциядорлик жамияти бош муҳандиси Мурод Тоғаев. «Жиззах чўл қурилиш» акциядорлик жамияти эса бош пудратчи сифатида катта ҳажмда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, бу ерда Тошкент сув қурилиш трестининг 7-механизациялашган кўча жамланмаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоалари самарали меҳнат қилишаётир. Юзлаб қурувчилар, қўллаб техника икки сменада ишлатилиб, мўлжалдаги қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти.

Отчопарда лойиҳа бўйича 585 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Бугунгача ушбу маблагнинг 200 миллион сўми ўзлаштирилди. Қурилиш нуқтасида ободонлаштириш ишлари ҳам қизгин давом эттирилмоқда. Отчопар атрофида тўсиқлар ўрнатиш, йўлқалар барпо этиш, 300 ўринли машина тўхташ жойи тайёрлаш, ёруғлик мўсаламалари ўрнатиш каби ишлар шулар жумласидандир. Отчопарнинг рамазий белгиси сифатида от ҳайкали ўрнатишга жой хозирланмоқда.

Хуллас, мазкур иншоотнинг биринчи навбатини мустақиллик байрамига тугатиш учун қурувчилар астойдил ҳаракат қилишмоқда. Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

Истеъмолчилар томонидан харид қилинаётган ёки фойдаланаётган ва уларга кўрсатилган хизматлар сифатли, талаб даражасида бўлмоғи лозим. «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун. Қонун ижросини таъминлаш, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида Республика монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг жойларда ҳудудий бошқармалари ташкил этилган. Улар қандай ишляпти, уларнинг фаолиятдан қониқиб ҳосил қилса бўладими? Ўтган давр мубойниҳа Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Аввало қонуннинг асл мақсади, моҳияти ва уни ҳаётга тadbик этиш масалалари тарғиб қилинмоқда. Муассасалар ва маҳалларда семинар йиғилишлар, аҳоли билан жонли мулоқотлар ўтказилмоқда. Шунга қарамадан, баъзи жойларда истеъмолчи манфаатига зид равишда қонун бузилиши ҳолатлари учраб турибди.

қилинган дори-дармонларга чакана савдо устамаси юқори қўланиши ҳисобига 2,2 минг сўм миқдорда асоссиз даромад олинган. Айнан шу тумандаги «Дилором» хусусий фирмасига қарашли 1-сонли савдо дўқониди, ун, ўсимлик ёғи, шаккар маҳсулотлари юқори нархда сотилаётганлиги, касса машинаси ишлатилмаганлиги, сақлаш муддати ўтган маҳсулотлар сотувда мавжудлигини бу жойда ишлайётган мутасаддилар биланмақ, деб ўйлайсизми. Афсус... Текшириш натижасида ун ва ўсимлик ёғига сунъий равишда жами 92350 сўмлик чакана нархлар юқори қўлланилганлиги, истеъмолчилар ҳақида хиёнат қилинганлиги маълум бўлди.

Худудий бошқарма саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган семинарлар, аҳоли ўртасида бу борада олиб борилаётган ташвиқотлар ўз самарасини бераёпти. Масалан, эндиликда истеъмолчилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб, бошқарма билан ҳамкорлик қилияпти. Айтайлик, жорий йилнинг 1-ярмида улардан тушган 19 та ариза кўриб чиқилди. Жумладан, фуқаро А.Муқомов ва А.Буриевларнинг аризалари бўйича пули тўланган ва фойдаланилиб турилган телефон рақамлари эгаларининг розилигисиз бошқа шахсларга бериб юборилганлиги вилоят телефон тармоғи раҳбарияти билан ўрганиб чиқилиб, амалдаги қонунларга зид иш қўрилганлиги учун телефон ўз абонентига қайтарилди.

Ҳудудий бошқарма саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган семинарлар, аҳоли ўртасида бу борада олиб борилаётган ташвиқотлар ўз самарасини бераёпти. Масалан, эндиликда истеъмолчилар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб, бошқарма билан ҳамкорлик қилияпти. Айтайлик, жорий йилнинг 1-ярмида улардан тушган 19 та ариза кўриб чиқилди. Жумладан, фуқаро А.Муқомов ва А.Буриевларнинг аризалари бўйича пули тўланган ва фойдаланилиб турилган телефон рақамлари эгаларининг розилигисиз бошқа шахсларга бериб юборилганлиги вилоят телефон тармоғи раҳбарияти билан ўрганиб чиқилиб, амалдаги қонунларга зид иш қўрилганлиги учун телефон ўз абонентига қайтарилди.

Истеъмолчиларга энгиллик тугдириш мақсадида эса худудий бошқарма қошида «Ишонч телефони» ташкил қилинган. Беавасита мулоқот орқали тушаётган барча муножаатларга мутахассислар тушунтириш ва маълумотлар бериб бормоқда.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида худудий бошқарма томонидан ўтказилган текширишларда 70 та ҳолатда турли кўринишдаги, жумладан, товар тўғрисида маълумотнинг мавжуд эмаслиги, тош-тарозиларнинг давлат стандарти қўригидан ўтказмасдан савдо қилиш ҳолатлари, савдо (хизмат кўрсатиш) қондаларига амал қилмаслик, истеъмол мудафти ўтган маҳсулотлар билан савдо қилиш каби нуқсон аниқланди.

Мисол учун, вилоятдаги «Нуробод», «Каттакўрғон», «Зиёвиддин», «Мароқанд», «Жомбой» нефть таъминот корхоналарига қарашли АЕКШларда қонун талаблари қўпол равишда бузилганлиги оқибатида уларга нисбатан молиявий жарима қўлланилди.

Булунгур туманидаги «Матлуботсавдо», Ургут тумани «Жартеп» , Оқдарё туманидаги «Даҳбед» жамиятлари ҳам истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда амалдаги қонун талабларига риоя этилмаган. Богшамол тумани «Рустам» МЧЖга қарашли дорихонада эса кирим

ИШЛАБ ТУРИБ ПЕНСИЯНИ ТЎЛИҚ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: Болаликдан II гуруҳ ногирониман. Мактаб кутубхонасида 28 йилдан бери ишлаб келяман. Айтингчи, ишлаб туриб пенсиями ҳам тўлиқ олишим мумкинми?

Г.ХУДОЁЕВА, Пахтакор тумани.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига асосан ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар уларнинг иш жойидан тўланадиган белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар ҳақида» ва 1995 йил 28 декабрдаги «II жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни бажарган ва фронт ортида ишлаган шахсларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Фармонига асосан ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш иш жойидан кўйидаги миқдорларда амалга оширилади:

II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига;
II жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни бажарган ва фронт ортида ишлаган шахсларга;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

Чернобыль ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга пенсия тўлиқ миқдорда, яъни тайинланган пенсиянинг 100 (юз) фоизи миқдорда тўланади.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга пенсия иш жойидан тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорда тўланади.

Демак, Сиз иккинчи гуруҳ ногирони (ногиронлик сабабидан қатъи назар) бўлганингиз учун иш жойингиздан ойлик маошингиз билан бирга пенсиянгизни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Лекин, ТМЭК томонидан Сизга 2 йил давомида «пенсиянгизни тўламаймиз» деган хат келгани тўғрисида аниқ маълумот бермагансиз, чунки агар ногиронлик мuddати тугаши билан боғлиқ бўлса ёки ТМЭК томонидан Сизга ногиронликнинг тугаши мuddати аниқ қилиб берилган бўлса, ҳеч қандай хат ёки бошқа ҳужжатларсиз ижтимоий таъминот бўлимидан пенсиянгиз тўлатилади, агар Сизга ногиронлик «мuddатсиз» қилиб берилган бўлса, ТМЭК томонидан Сизга юборилган хат ноқонуний бўлиб ҳисобланади.

САВОЛ: I гуруҳ ногирониман, стажим 29 йил, 1919 йилда туғилганман. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Ҳозир 16950 сўм пенсия оламан. 2002 йил 1 январдан бошлаб пенсиялардаги чеклашлар бўлмайди, дейилган эди. Лекин менинг пенсия пүлүм ўзгармади. Нима учун?

Қаюм ХУДОЙБЕРДИЕВ, Чирочик тумани

Охунбоев номили жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январ

даги «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни қўлайтириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-қисмида иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этилаётган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бекор қилинсин, дейилган.

Ушбу масала бўйича ҳалигача кўп тушунмовчиликлар бўлаётгани сабабли қонун



БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИМИЗ

ҳужжатларига асосан батафсил тушунтириб ўтмоқчиман. Пенсиянинг миқдори 3-босқич бўйича аниқланади. 1-босқич — пенсияларнинг таянч миқдори ёшга доир тўлиқ пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камиди 100 фоиз миқдориди.

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун, оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камиди 50 фоизи миқдориди аниқланади.

2-босқич — иш стажининг 27-моддасига асосан ёшга доир пенсияларнинг ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди.

1 январ 2002 йилгача «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига асосан ёшга доир пенсияларнинг ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдориди.

III гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди.

III гуруҳ ногиронларига белгиланган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди.

ги чеклашлар бекор қилинди.

— Сизнинг пенсиянгизни олиб кўрайлик. Аввал неча ёшда ногирон бўлганингиз аниқланади, дейлик, 56 ёшдан ошганингиздан кейин I гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса, Қонуннинг 17-моддасига асосан Сиздан 20 йиллик иш стажини талаб қилинади. Лекин Сизнинг иш стажингиз 39 йил, демак талаб қилинганидан 19 йил ортиқча, ҳар бир йили учун 1 фоиздан берилса 19 фоиз, таянч миқдори 55%, демак пенсия ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 74 фоизи (55+19) олинган. Бу эса Сизнинг пенсиянгизда Фармондан олдин ҳам иш стажига нисбатан чеклашлар бўлмаган (чунки 75 фоизга етиб бормаган). Шунинг учун ҳам Сизнинг пенсиянгиз ўзгартирилмаган.

3-босқич ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар берилиши. Юқорида айтиб ўтилган қонуннинг 28-моддасига асосан устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи оғирлиги бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

д) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) Уруш йилларида мамлакат ичкарисидида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариши билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдиди алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизгача;

л) ёшдан қатъий назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

м) театр — концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санаъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.



Талабаларни қутлаймиз!

Тошкент Давлат Аграр университети бу йил 1145 нафар абитуриентни талабалик сафига қабул қилди. Олийгоҳда асосан қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган 8 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Ҳозирда университетда илм

олиш бахтига муяссар бўлган талабалар билан ўқитувчи-профессорлар таълим жараёнлари тўғрисида мулоқотлар олиб бормоқда.

Суратларда: қабул комиссияси масъ-

ул котиби, доцент Мирзокир Ёқубов тест натижалари хусусида фикрлашмоқда; талабалик бахтига муяссар бўлган бир гуруҳ ёшлар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Бўлим иш бошлаган дастлабки даврда Иброҳим Х. исмли беморни олиб келишди. Унинг қўли синган, мушаклар узилди, қўлининг бир қисми осилиб қолган эди. Операция қилингач, 15 кун ўтиб, қўлда ҳаракат пайдо бўлди. Бемор Дилшод В.нинг эса бармоғини ойна кесиб, узиб юборди. Мазкур бўлим шифокорларининг муолажалари натижасида у ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди. Ш.Норқўзиев бу воқеаларни ҳам ачинади, ҳам фахр билан эслайди. Фурурланишга арзигулик натижалар эса анчагина. Мана шулардан бири — охиригиси. Пахтачи туманининг олис қишлоқларидан бирида яшайдиган Абдуназаровлар оиласида жожеа рўй берди. Сомон майдалашга мослаштирилган қўлда уксундан нотўғри фойдаланиш оқибатида оиланинг ўн уч яшар ўғли қўлидан айрилди. Ускуна боланинг чап қўлини елка қисмидан узиб юборди. Шифохонада биз ана шу бола билан суҳбатлашдик. Бугун унинг аҳволи яхши. «Бундай ҳолларда бемор шифохонага қанча тез олиб келинса, жароҳатланган аъзо фаолиятини тиклаш имконияти, натижаси шунча юқори бўлади», — дейди Ш.Норқўзиев.

Операция қилингач, 15 кун ўтиб, қўлда ҳаракат пайдо бўлди. Бемор Дилшод В.нинг эса бармоғини ойна кесиб, узиб юборди. Мазкур бўлим шифокорларининг муолажалари натижасида у ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди.

— Бир қарашда бу хасталик микрожарроҳликка алоқасиздай кўринади. Лекин, аёллардаги бепуштлиқнинг 30 фоизи, эркакларда 50 фоизи микрожарроҳлик усулида даволаниши керак. Негаки, шомоллашдан кейинги яллиғланиш оқибатида аёлларда бачадон найининг, эркакларда уруғ йўлининг битиб қолиши бепуштлиқни келтириб чиқаради. Бинобарин, уни очиб юбориш учун микрожарроҳлик операцияси ўтказилиши керак. Бир куни

ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ

Очерк

— **Жигар циррозини даволаб бўлмайдиган касалликлардан бири деб ҳисоблашади. Сиз эса бошқача фикрдасиз. Батафсилроқ тушунча берсангиз.**

— Саломатликка эътиборсиз бўлинса, вақт ўтказиб юборилса, фақат жигар циррозининг эмас, бошқа оддийроқ дардларнинг ҳам даволаш имконияти бой берилиши мумкин. Жигар циррози гепатит (сарик касаллиги)нинг асоратидир.

Тўғри, ҳеч нарсага осон эришиб бўлмайди. Хатолар ҳам, муваққиятсизликлар ҳам, қутилмаган ижобий натижалар ҳам бўлган. Булардан сабоқ, тўғри хулоса чиқариб, қадамба-қадам олға бориш керак. Бир куни Россиянинг Иванов шаҳрида истиқомат қиладиган бир беморни олиб келишди. Унда жигар циррози авж олиб кетган, қорин бўшлиғида суюклик тўплана бошлаган эди. Ш.Норқўзиев беморнинг аҳволини синчиқлаб ўрганди. Бўлимдаги ҳамкасблари, бошқа мутахассислар билан қайта-қайта маслаҳатлашди. Бемор операцияга узоқ ва жиддий тайёрланди. Микрожарроҳлик қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизгача;

л) ёшдан қатъий назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

м) театр — концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санаъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Беморларнинг аҳволи билан танишиб юрганимизда йўлак деворларига илинган ўнга яқин болаларнинг суратларини

(Боши ўтган сонда)

мени гинекология бўлимига маслаҳатга чақиришди. Ҳомиладор аёлининг аҳволи оғир эди. Бачадонни ҳомила билан бирга олиб ташлаш тақозо этиларди. Аёл олдинги ҳомиладорликда ҳам шундай операцияни бошидан ўтказган. Бунисидан сўнг у фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Тажрибали ҳақим Карим ака Хожиев билан биргаликда микрожарроҳлик операциясини ўтказдик. Бир йилдан сўнг ўша аёл қақалогини кўтариб, шифохонага кириб келди, миннатдорчилик билдирди. Фарзанд ҳаётининг энг буюк, энг тотли неъматиди. Бундай бахт ҳар бир инсонга насиб этиши керак. Шунинг учун шифокор сифатида бепуштлиқни даволашни энг биринчи, энг муқаддас вазифа деб ҳисоблайман.

Бир куни Шерали Норқўзиевнинг ҳузурига Самарқанддаги умуртқа жарроҳлиги марказининг бўлим мудири ортопед-жароҳатшунос Саидқосим Пардаев кириб келди. У киши ҳам умуртқа жарроҳлигини даволаш соҳасида бир қанча ихтиролар қилган, республикада таниқли шифокорлардан бири эди.

— Умуртқа жароҳатларини, хасталиқларини, хусусан, умуртқа чуррасини даволашда ҳозир қўлланилаётган усул мукаммак эмас. Масалан, умуртқа чуррасини кесиб учун умуртқа поғонаси орқа томондан очилади. Одатда чурра умуртқа поғонасининг олд томонида пайдо бўлади, — дейди С.Пардаев мулоҳаза юритиб, — муолажадаги қийинчиликнинг сабабини тушунтира олдим шекилли. Шу сабабли умуртқа поғонасини кўкрак қафаси орқали очиб мумкин эмасмикан, деб ўйлаб турибман. Ўзимиз бу соҳада мутахассис эмасмиз. Бизга малакали жарроҳлар, микрохирургларнинг маслаҳати, йўл-йўриги, ёрдами керак, албатта.

Билимли кишиларнинг мушоҳада доираси кенг бўлади. Уларнинг ҳар бир ма-

Орамиздаги одамлар

салага нисбатан ўз фикри, ўз хулосаси бор. Шерали ака ҳам ана шундай инсонлар сирасига кирилади. Суҳбатлашсангиз фикрингиз теранлашади, кўнглингиз равшан тартади. Турмушдаги қийинчиликлар эмас, микрожарроҳликнинг бугунги ёки келажак билан боғлиқ муаммолар ечимни уни кўпроқ қизиқтиради. Унинг фикрича, ҳозир энг асосий муаммолар хусусида бош қотириш керак.

Биринчидан, микрожарроҳлик усуллари тиббиётнинг барча соҳаларидаги даволаш амалиётига чуқур кириб борган эмас. Ш.Норқўзиевнинг фикрича, ҳар бир жарроҳ жароҳатларни даволашда микрожарроҳлик нуктаи назаридан ёндошиши керак.

Иккинчидан, Соғлиқни сақлаш хизмати тўловли асосга ўтказишда одамларнинг иқтисодий-моддий аҳволини ҳисобга олиш керак.

Учинчидан, тиббиёт соҳасида ҳам ривожланган давлатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш фурсати етди. Соҳага чет эл сармосини жалб этиб, шифохоналарнинг ҳам, шифокорларнинг ҳам аҳволини яхшилаш мумкин.

Нихоят, юртимиздаги тиббий марказлар тараққиётини, имкониятларини шундай даражага етказиш керакки, хорижликлар бу ерга шифо дустаб келисин. Ахир, ўз даврида бутун индустриал тиббиёт илмини ватандошимиз Абу Али ибн Сино меросидан ўрганган. Муस्ताқил юрт фарзандлари ана шунга муносиб бўлиши зарур.

...Самарқанд 1-бирлашган шифохонасининг микрожарроҳлик бўлимида Ш.Норқўзиев билан ёнма-ён Абдусаттор Ҳайитов, Зафар Бақодиров каби тажрибали ҳамкасблар, Шаҳноза Ғуломова сингари фидойий ҳамширалар ишлашади. Улардаги ҳамфикрликка, аҳилликка ҳавас қилса арзийди.

Ҳамкасблари Шерали Норқўзиевни журъатли, жасоратли, оқилона таваққилликдан кўркмайдиган шифокор, деб таърифлашди. Зеро, бундай хислатларсиз у ёки бу ишга биринчи бўлиб қўли уриш қийин. Ана шундай дадиллик, фидойилик туфайлигина янгиликларга эришиш мумкин. Самарқандлик иктидорли шифокор Шерали Норқўзиев олижаноб мақсадлар сари интилоқда. Бу йўллар унинг заковати шўъласи билан ҳамшира чароғон, десак муболага бўлмайди. Суҳбатимиз сўнгида ундан нималар ҳақида кўпроқ ўйлашни сўрадик. Унинг жавоби қисқа бўлди:


— Мен Ватанга нима бердим, халқимизга қандай хизмат қилдим, деган саволга қониқарли жавоб бера оламанми, деб ўйлайман.

«Чексиз имкониятлар, мукаммал шароит» бор жойда қолиш тақдирини рад этиб, «Ватанга қайтиш керак», дея аҳд қилган киши айна мана шундай жавоб бериши табиий, эди, албатта.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

«АЛ-ЖАЗИРА» ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканали Яқин Шарқдаги анча жанжалларга сабаб бўлди. Унинг Афғонистон воқеалари, машўм «Ал-Қоид» террорчи ташкилоти, унинг раҳнамосига бағишланган кўрсатувлари жаҳоннинг турли мамлакатларида катта шов-шувлар кўзгади. Бориб-бориб «Ал-Жазира» ҳаддидан оша бошлади. Ўзи эшиттириш олиб борган давлатлар маъмурига ҳам бўйсинмай кўйди. Ниҳоят чора-тадбирлар қўллашга мажбур бўлинди. Яқинда Урдун ҳукумати «Ал-Жазира»ни эшиттириш лицензиясидан маҳрум қилди. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай қадам қўйилиши кутилмоқда.



САЙЁРАМИЗ САДОСИ

КАСПИЙДА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

Ўтган ҳафтада Россия ҳарбий денгиз флоти катта жанговар машқлар ўтказди. Каспий денгизида амалга оширилган ушбу хатти-ҳаракатларда ўнлаб йирик, ёрдамчи параходлар, кемалар, қайқлар, катерлар иштирок этдилар. Ушбу машқлардан мақсад террорчи гуруҳлар тўдалари билан кураш усулларини меъёрига етказиш эди. Унда қуролли кучлар билан биргаликда темир йўл кўшинлари, чегарачилар, фавқулодда ҳолат қисмлари, федерал хавф-

КАШФИЁТ

Кутуриш касаллиги қадим-қадимдан энг хавфли дард ҳисобланиб келинган. Биргина икки йил бурунги воқеани эслайлик. Ўшанда Оврўпода бу касофат туфайли юзлаб одамларнинг ёстиқчи қуриди, миллионлаб йирик ва майда шохли ҳайвонлар қирилиб кетди. Шунинг учун ҳам Исроил олимларининг яқинда қилган ба-

ёноти катта эътибор қозонди. Тиббиёт фанини олға силжитиш Халқаро форуми мазкур иллатни аниқлашнинг янги асноли топилгани эълон қилди. Ал-Куддусдаги «Ҳадасса Айн-Карим» шифохонаси мутахассислари ҳайвонларнинг пешобини текшириш йўли билан кутуриш вирусини аниқлашга эришдилар.

Аҳамиятисини шундаки, бу дард вирусини одамдан бирон-бир белгисиз узоқ мuddат сақлаши мумкин. Янги кашфиёт эса тезлик билан бу хасталиқни аниқлаш имконини беради. Демак, зудлик билан даволаш ва ин-

СОН ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУМКИН БЎЛАДИ.

ОБРУЛИ ОИЛАДА ЖАНЖАЛ

Канада бош вазири Жан Кретъен оиласида хунук жанжал чикди. Гап шундаки, унинг 33 яшар ўғли хибсага олинди. У 18 яшар қизнинг номуслига тегишлиликда айбланмоқда. Мишел Чарлз Кретъен олдинлари ҳам қамоқхона нималигини синаб кўрган эди. Мишелнинг бошига тушган савдонни ёритиб бўлмаган ахборот воситалари вакиллари унинг бундай бўлишига тарбия сабаб бўлган, деган фикрда турибдилар. Чунки, у

ВАЗИР КАМОККА ОЛИНДИ

Японияда Мунэо Судзуки номи жуда машҳур. У бир неча бор нуфузли лавозимларни эгаллаган, Либерал демократик партия вакили сифатида парламентга депутат қилиб сайланган. Лекин, ҳозирга келиб машҳурликнинг чуви чиқиб қолди. М.Судзуки Хоккайдо ва Окинаванани ривожлантириш бо-

шқармаси бошлиғи курсида ўтирганда амалга оширилган қурлиш ишларини жадаллаштириш баҳонасида ўлпон-ўлпон поралар олган экан. Ана шу мўмай пуллар ҳисобига у турли фирмаларга катта фойда келтирувчи ишлар тавсия этган.

ИККИ ЁШЛИ БЕЗОРИ

Шошиб турган она икки яшарли боласини машинанинг орқа ўриндиғида қолдирди. Машина ўчирилмаган эди. Болақай дарҳол олдинда эммаклаб ўтиб, машинани юргизиб юборди. Натижада у ўзларининг автобусларини кутиб турган мактаб ўқувчилари гуруҳига бориб урилди. Оқибатда 8-9 ёшли тўрт нафар бола жароҳатланди. Мичиган штатининг Анн-Арбор шаҳарчаси полицияси вакилининг Рейтер ахборот агентлиги муҳбирига айтишича, жароҳатлар болалар ҳаётига хавф солмайди.

Юз билан юзлашганлар

Даврада узок умр кўриш мавзунда гап айланди-ю. Янгикўрган туманидан таширф буюрган кавардонимиз Мухторхон Асоров: —Бизнинг Исковотда Оминахон Мусабоева деган табаррук момониз бор. Бахорда 106 ёшни қаршиладилар. У кишини шу ёшда ҳам бир ерда тинч ўтирганини кўрмайсиз. Хамон рўзгор юмушлари билан банд. — деб қолди.

МОМО ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Дўстимиз тилга олган қишлоқ Наманган вилоятининг қўрқам ва қадимий, айни пайтда табиати гўзал гўшаларидан. Қабққа қараманг, чўққилари қор ва музликларга ошён виқорли тоғлар. Шу боис бу маскан вилоят марказига солиштириганда анча салкин. Бахор кеч бошланиб куз барвақтроқ келади. Хаёт, тиркичилик ҳам шунга мослашган. Қишлоқ аҳли асосан боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланади. Хавонинг нисбатан соғлиғи, мевалар сероблиғи учини аҳоли соғлом, узок умр кўришади. Оминахон момо ҳам ана шулардан бири. — Эҳ-хө, бу бошлар нималарни кўрмади, — дейди момодан кўрган кечирганларини сўраб қолсангиз. —Аммо барини меҳнатим, тadbиркорлигим билан ендим. Емон кунларда яхшиликни, озодликни оруз қилиб яшадим. Аллоҳга шукр, мана ёру кунларга ҳам етиб келдик. Бу кунларни кўрөлмай қанчадан-қанча одамлар армон билан бу дунёдан ўтдилар. Қишлоқнинг алп йигитларини мардикорликка ҳайдаб кетишганида у ортларидан эр-

гашиб Намангангача пиёда борган. Негаки, унинг икки акасини ҳам мардикорликка олишган эди. Қарангки, ўша йигитлардан бир нечасигина ўпкаларини совуққа олдириб қайтиб келишди. Қолганлари исзис йўқолишди. Болшовойлар Фаргона водийсига бостириб келганда уларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қонхўрликларидан қочиб ойнаб тоғларда яшириниб кун кечирди. Коллективлаштириш бошланиб, Омина момоларнинг бор бойлиғи саналган эчкисини ҳам олиб кетишди. Шунда момо гўдагимнинг ризки дея уларнинг қўлига ёпишганида бошига урилган милтиқ кўндогидан уч кун беҳуш этди. — Эртадан кечгача далада ишлаймиз, сабзавот маҳсулотлари, бугдой-ю мева етиштирамиз, аммо улардан бирон донасини ёки бирон ховучини яшириб уйинга олиб кетиб кўргин-чи! Кун бўйи қилинган меҳнат эвазига бир косагина оқват ва беш-олти дона пиёзу сабази, ё бўлмаса, шөлгом солиб пиширилган аталани олиб уйга қайтамиз. Хуллас, ана шундай қийинчиликлар, етишмовчиликлар ва қаровсизликдан Оминахоннинг олти нафар фарзанди

хаётдан барвақт кўз юмишди. Хамқишлоқлари момони исмига полвон сўзини кўшиб айтишади. Бунинг сабабини онахон шундай изоҳлайди: — Буням ўз тарихи бор, — момо ҳозиргина қовоқларида халқаланган кўз ёшларини артаркан жилмаяди: — Бу лақабни Катта Фаргона канали қурилиши йилларида олганман. Турмуш ўртоғим касалмандроқ эди. Канал қурилишига олишган. Сумбатим полвонсифат эди шекилли, эркаклар билан тенг ишлаганман, нормани доим икки-уч баробар бажарганман, катта кетмон билан беш-олти метр жойга тупроқ иргитганман. Шунинг учун хамма мени полвон деб чақирарди. Омина момонинг бугунги кунда уч фарзандидан юзга яқин набира, эвара, чевараси бор. Кўшни Заркент қишлоғида яшайдиган катта қизи ҳам саксондан ошиб қолган. Яна икки фарзандинг бири етмиш учда, иккинчиси етмиш ёшда. — Шундай дориламон кунларга етиб келганимга шукроналар айтаман, — дейди момо дуога қўл очиб. —Президентимизга раҳмат, биз кексаларни шунчалик эъозлаб, ардоқлапти. Яқинда туманимиз ҳокими Зокиржон Мамажонов хонадонимизга таширф буюриб, совга-саломлар улашиб кетди. Сиздай кексалар бизнинг катта бойлигимиз, дея кўнглимни кўтарди. Бундан бошим осмонга етди. Унутмангларки, ҳалол, покиза, тўғри яшаган одам узок умр кўради. Сизлар ҳам менин ёшимга етиб юринглар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Марказий шифохона маъмурияти ва қасаба уюшма тармоқ кўмитаси ташаббуси билан Ки-тоб туман тиббиёт тарихи музейи ташкил қилинди. Шу муносабат билан нафақахўр шифокорлар бор лиёла чойга тақлиф этилди. Улар музей фаолияти билан яқиндан танишиб, унга юқори баҳо бердилар.

— 1930 йилда иш бошлаган шифохона кўримсиз биноларда жойлашган эди. Энди эса у йирик даволаш муассасасидир, — дейди «Нуроний» жамғармаси раиси И.Абдуллаев. — Бугунги кунда шифохонада 12 та бўлим бўлиб, 400 нафарга яқин бемор даволанмоқда. Музей экспонатлари билан та-

ШИФОХОНАДА МУЗЕЙ

нишар эканмиз, халқ саломатлиғи йўлида сидқидилдан меҳнат қилган фағрийлар фаолияти кўз ўнгимиздан бир-бир ўтди. Дарвоқе, музейда туман шифокорларига раҳбарлик қилган Александр Топольская, Абду-

ла Хамроқулов, Номоз Нуритдинов, Марям Валеева, Исмаил Муллоев, Мухаммади Хўжаев, Равиля Музаффарова, Шоди Бобомуродов сингари марҳум шифокорларнинг суратлари, таржимаи ҳоллари акс этиб турибди. Тиббиётга оид асбоб-ускуналар музей залларидан ўрин олган. — Музейни экспонатлар билан бойитиш учун анча елиб-югуришга тўғри келди, — дея суҳбатни давом эттирди ка-

нада амалиёт олиб борган Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт олийгоҳлари ҳамда тиббиёт билим юртлари талабаларининг жўшун ҳаётини акс эттирувчи суратли альбомларнинг талай қисми фахрийларимизнинг бизга совғасидир. Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раёсати қарорига асосан «Ободонлаштириш ва кўкалзорлаштириш уч ойлиғи» бўйича ўтказилган кўрик-танловда «Энг яхши тиббиёт муассасаси» номини олган шифо масканига топширилган диплом ҳам музейдан ўрин олган. Туманда тиббиётни ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2000 йилда 60 ўринли болалар шифохонасининг янги биноси, «Деновбола», «Минжир», «Хоноқо», «Кўсам», «Ҳазрати Башир», «Сариосийё», «Дониёршайх» қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ташкил этилган музей келажақ авлод учун ҳам хизмат қилад.

НУРБЕК. Суратда: марказий шифохона бош ҳақими Барака Абдуллаев (ўнгдан биринчи) тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашмоқда.



ТЕАТР ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бухоро давлат кўғирчоқ театри ўзининг 20 йиллик юбилейига ҳозирлик кўрмоқда. Ижодий жамоа ўтган йиллар давомида 70 дан ортиқ кўғирчоқ спектакларини сахналаштирди. — «Ялмоғиз кампир ва янги йил», «Уйимни излапман», «Данак бола» ва бошқа спектакллар сўнги пайтларда сахналаштирилган ишларимиздир, — деди театрнинг бадиий раҳбари Владимир Гаманович «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу спектакларимиз болалар томонидан яхши кутиб олинди. «Уйимни излапман» спектакли эса Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг VI Республика фестивалида учинчи мукофот билан тақдирланди. Биз яқинда Навоий кон-металлургия комбинатининг ёзи оромгоҳида «Данак бола» спектаклини мусиқали дастуримизни намойиш қилиб қайтдик. Юбилей арафасида театрнинг марҳум бош режиссёри ва етакчи артист Галина Алиеванинг хотирасига у томонидан сахналаштирилган «Денгиз тубида» мусиқали спектаклини қайта сахналаштирмоқчимиз.

Швейцариянинг Базель шаҳри муниципалитети кенгаши 1861 йилда ишлаб чиққан кўрсатмаларидан бирида маҳаллий ўқитувчиларга бўш вақтларида шохмотдан ташқари биронта ҳам ўйин билан машғул бўлишни қатъиян ман қилган. Бу ҳолни кўрсатмани тайёрловчилар қуйидагича изоҳлаганлар:

Шохмот оламида шохмотни қиёслаган ҳолда бир бутун уйғунликда кўрган. У ўзи муҳаррирлик қилган «Му-

«Шохмот бошқа ўйинларга ўхшаб кишини чалғитмайди, аксинча ақлни пешлаб характерни тоблайди, топқирлик ва ижодкорлик сингари ноёб ҳислатларнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади».


рибир асосий ролни ўйнайди. *** XIV асрда француз тилида ёзилган дoston 30060 сатрдан иборат бўлиб, унинг қарийб 600 мисраси гўзал қиз ва уни севиб қолган йигит ўртасидаги шохмот ўйинига бағишланган. Рақиблар томонидан ўйин пайтида айtilган ҳазил-мўтойибалар мажорий маънога эга. Ана шу жиҳати билан ҳам дoston ўрта асрларда Европада кенг оммалашиб, кўплаб тилларга таржима қилинган.

ТУРТАН-БИТГАНИ МУЪЖИЗА

ур ёзувчи Виктор Гюго ёзиб қолдирган. *** Буюк немис композитори Роберт Шуман (1810-1856) шохмот ўйинини гоётада севган, қадрлаган ва мусиқа ҳамда

сиқа ва шохмот» журналида шохмот ҳақида шундай ёзади: «Гарчи фарзин катта кучга эга бўлиб, рамзий оҳангни ифода этса-да, ўзаро уйғунлиқни мужассам қилган қирол (шоҳ) ба-

Анвар ИНОКОВ, шохмот бўйича спорт усталиғида номзод. Биринчи диаграммада икки юришда, иккинчисида эса уч юришда рақиблар мот қилинади.



САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИ

Саломатлик маданияти! Бу ибора эндиликда шифобахш даргоҳларда, тибби муассасаларда тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Зеро, инсоннинг ўзига, жамиятга, қолаверса табиатга муносабати саломатлик маданиятини ифодалайди. Инсондаги атроф-муҳитга бўлган муносабати, табиат ва саломатлик уйғунлиғини идрок этиш тўғриси саломатлик маданияти моҳиятини белгилайди. «Соғлом танда - соғлом ақл» деб бежиз айтилмаган. Шу сабабли бу шior Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиғи қошидаги саломатлик институти фаолиятида асосий ўрин ту-

тади. Илмий муассаса вазирлик бўлиналари иштирокида турли лойиҳаларни амалга оширишга киришди. «Здрав/Плюс» ташкилотининг халқаро лойиҳасини рўёбга чиқаришда ҳам фаоллик кўрсатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти фаолиятини акс эттирувчи нашрлар ҳам босмага тайёрланди. Шу йўналишда чоп этилган буклама альбомлар, плакатлар ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Бу каби нашрларнинг юзага келишида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Здрав/Плюс» ташкилоти ҳомийлик қилдилар.

МУХЛИСЛАР ШУ КУНИ ЗАЙНИДДИН ТОЖИЕВНИ ЭЎР ҚУВОНЧ БИЛАН КУТИБ ОЛИБ, САМИЙЙ ОЛҚИШЛАР БИЛАН КУЗАТИБ ҚУЙДИЛАР. БУНИНГ БОИС БОР, АЛБАТТА. БИРИНЧИДАН, У ЖАРОХАТИ ТУФАЙЛИ ЖАРОХ ҚЎРИГИДАН ҲАМ, МАЪЛУМ МУДДАТ ДАВОЛАНГАНДАН СЎНГ МАЙДОНГА ТУШГАН БЎЛСА, ИККИНЧИДАН, ЎЗ ЖАМОАСИНИНГ ҒАЛАБАСИНИ ТАЪМИНЛАШГА КАТТА ХИССА ҚЎШДИ.

Умуман, Ўзбекистон кубоғи учун «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳамиша бўлганидек муросасиз курашлар остида ўтди. Гарчанд учрашув бошидаёқ 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган бўлса-да, «Пахтакор»га икки тайм натижасига кўра ғалабани ушлаб қолди насиб этмаганлигидек фикримизни тасдиқлаши мумкин. Ҳисоб — 3:3. Мамлакат кубоғи учун финал баҳси ўтказиш регламентига кўра 15 дақиқадан иборат учинчи ва тўртинчи бўлимлар барчани қизиқтирган саволга жавоб берди. Тошкентликлар, айниқса, сўнги таймни шиддаткорона руҳда ўтказди-

лар. Аввалига З.Тожиевнинг зарбаси ҳимоячи С.Лебедевга тегиб йўналишини ўзгартирган ҳолда «Нефтчи» дарвозасига бо-риб тушган бўлса, сўнгра аниқ бажарилган пенальти ва яна Зайниддиннинг индивидуал маҳорати натижасида ҳисоб 6:3 га етди. Ушбу баҳс ҳаммадан ҳам «Нефтчи» ҳимоячиси Сергей Лебедевнинг хотирасида қоладиган бўлди. У шу куни икки марта ўз дарвозасини «ишгол» қилди. Албатта, атайлаб эмас. Футболда бундай воқеалар бўлиб туради. Лекин тажрибали ўйинчининг бундай қўпол хато-ларга йўл қўйиши, биринчидан, ушбу учрашувнинг аҳамияти нақадар юксак эканлигини аңгалтса, ик-

ЗАЙНИДДИН ТОЖИЕВНИНГ ТўРТИНЧИ ТАЙМИ

ёхуд «Пахтакор» тўртинчи марта мамлакат кубоғи соҳиби

кинчидан, масъулиятли дамларда руҳий йигинчоқлик ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкинлигини тренерларга яна бир қарра эслатиб қўйди. Энди республика Футбол федерациясининг йилнинг энг асосий учрашувларидан бирига нечоғлик пухта ҳозирлик кўргани хусусида. Маълумки, ўйиннинг юксак даражада ўтиши кўп жиҳатдан ҳакамга боғлиқ. Шуни назарда тутиб бир йўла олти ҳакам тақлиф қилинди ва матча бир соат қолгандагина улар орасидан халқаро тоифали судья Рустам Саидов учрашувни бошқариб боради, деган қарорга келинди. Айтиш

жоизки, ҳакам ишонччи оқлади. Қарийб ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмади. Шундай қилиб, «Пахтакор» тўртинчи марта мамлакат кубоғи соҳибига айланди. Бу бошқа жамоалар ўртасида энг юқори натижа. Эслатиб ўтамиз, «Навбахор» уч марта, «Нефтчи» икки марта, «Дўстлик» бир марта шундай бахтга муяссар бўлган эдилар. Айнан шу кубок баҳси туфайли «Пахтакор» ва «Нефтчи» мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларида иштирок этмади. Бу имкониятдан бошқа жамоалар қандай фойдаланишди? Табиийки, бизни биринчи навбат-

Table with 7 columns: Rank, Team, W, D, L, Goals, Points. Lists results for 17 teams including Paxtakor, Qizilqum, Nasaf, etc.

Футбол дағи ҳисоб билан якун тоғди: «Навбахор» — «Трактор» — 4:0, «Андижон» — «Самарқанд.Д.» — 4:2, «Металлург» — «Бухоро» — 2:1, «Сурхон» — «Кўқон-1912» — 3:1.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топшириш - 21.30.

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарк» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.